

# Qishloq НАУОТИ

O'zbekiston  
Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy  
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 61 (7.054). Sotuvda erkin narxda

## Бунёдкорлик ишлари билан танишув

### Президент Ислам Каримовнинг Навоий ва Бухоро вилоятларига сафари

Президентимиз Ислам Каримовнинг жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини таҳлил қилиш, юртдошларимизнинг оруз-уйларидан яқиндан хабардор бўлиш мақсадида вилоятларга чиқиб туриши анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбари ана шу мақсадда 18 май куни Навоий вилоятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Юртбошимиз сафарини шаҳар аэропортида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишишдан бoshлади.

Хар қандай аэропорт стратегик аҳамиятга эга. Навоий аэропорти жойлашув нуктаи назаридан бу борада, айниқса, муҳим ўрин тутди, - деди Ислам Каримов. - Бундан қарийб уч йил бурун бу ерда қурилиш ишларига киришилган, бунинг учун катта маблағ ажратилган эди. Афсуски, ўтган даврда мазкур объект учун ишлатиладиган баъзи қурилиш материаллари етказиб берадиган корхоналар бунёд этилмаган. Лойиҳада кўзда тутилган айрим хомашёлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайд.

Юртбошимиз мамлакатимиз тараққиёти, хавфсизлиги учун жуда муҳим бўлган ушбу объект қурилишини бошлашдан олдин жиддий тайёрларлик қўриш зарурлигини, тегишли бюрт-мачи ва пудратчи ташкилотлар бу борада жонбозлик кўрсатмаганини танқид қилди. Ушбу объектдаги қурилиш ишларини яхшилаш юзасидан, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топширик ва тавсиялар берди.

Навоий вилояти мамлакатимиз санюатида салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ерда наинки юртимизда, балки дунёда ўзига хос максадага эга йирик санюат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шундай корхоналар сирасига қиради. У Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидоги энг йирик санюат корхонасидир. Президентимиз ушбу корхона фаолияти билан танишди.

Усунасослик цехида санюат тизимида қўлланиладиган турли хил ускуналар тайёрланади, капитал таъмирдан чиқарилади, шу билан бирга, улар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Дастгоҳсозлик цехида чархлаш-силликлаш дастгоҳи, бошқариш пульти-функционал имкониятлари кенгайтирилган ва электронли тизим орқали бошқариладиган универсал токарлик станого ҳамда винт қирқиш дастгоҳи каби санюат учун зарур, хари-дордир махсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бу заводда дунё миқёсида ноёб агрегатлар тайёрланаётгани қувонарлидир, - деди Ислам Каримов. - Энг

муҳими, бу ерда илгари санюат корхоналаримиз учун четдан келтириладиган кўплаб дастгоҳ ва ускуналарни юксак сифат билан ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Президентимиз мутасадди раҳбарларга корхона фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда модернизациялаш, ишчи-хизматчиларга зарур шароитлар яратиш борасида тавсиялар берди.

Ислам Каримов машинасозлар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг иш ва яшаш шароити билан қизиқди.

Бундан бир йил олдин Ирбит шаҳридаги санюат корхонаси банкротга учради, - дейди токар В.Зиянов. - Кўплар қатори мен ҳам ишсиз қолдим. Мени Навоий шаҳрига ишга тақлиф қилишди. Ўзбекистоннинг машинасозлик соҳасидаги ютуқларидан яхши хабардор бўлганим учун бу тақлифга бажонидил рози бўлдим. Хозир ишларим жойида, корхона жамоасидан хурсандман.

Президентимиз корхонанинг маданият-спорт мажмуида бўлиб, ишчи ва хизматчиларнинг спорт билан шуғулланиб, кўнгилли хордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Навоий вилоятининг иқлим шароитида бундай чўмилиш хавзаларининг аҳамияти катта, - деди Юртбошимиз. - Бундай бассейнларни янада кўпайтириш лозим.

Президент Ислам Каримов Навоий кон-металлургия комбинати мажлислар залида мазкур корхона бўлиналари раҳбарлари билан учрашди. - Бу корхона - бизнинг фахримиз, - деди давлатимиз раҳбари. - Муҳим стратегик масалаларни ҳал этишда унинг ўрни бекиёсдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу корхона, аввало, Ўзбекистонга валюта киритишда жиддий ўрин тутди. Иккинчидан, мазкур йирик корхона бир неча ўн минглаб кишиларни иш билан таъминляпти. Учинчидан, комбинат муҳим ижтимоий вазифани бажараяптир. Бугунги кунда у нафақат шаҳар, вилоят, балки мамлакатимиз ижтимоий инфратузилмасини изчил ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшмоқда. Тўртинчидан, комбинат қўли гул мутахассислар, етуқ кадрлар тайёрлайдиган ўз мактабини яратган. Ана шу мактаб вакиллари айни чоғда мамлакатимизнинг аксарият санюат

корхоналарида самарали меҳнат қилмоқда.

Ислам Каримов комбинат фаолиятини изчил модернизация қилиш масалалари ҳақида тўхталди. Ишлаб чиқариши мунтазам равишда янги техника ва технологиялар асосида такомиллаштириб бориш зарур. Акс ҳолда корхона кучли рақобат шароитида дунё бозоридан ўз мавқенин қўлдан бериб қўйиши ҳеч гап эмас. Шу билан бирга, корхона ривожини учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан тўғри ва самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришни кучайтириш, оғир юк ташишга ихтисослашган техника ишлаб чиқарадиган Россия ва Беларусь корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби Навоий шаҳри ва вилоятида ҳам кўплаб янги объектлар бунёд этилмоқда. Шаҳарда қад рostaлган масжид ана шундай янги ишоотлардан бири.


Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган ушбу маскан Наврўз тантаналари кунини очилди. Ислам Каримов бу ерда вилоят имом хатиби, оқсоқоллар билан суҳбатлашар экан, Алишер Навоийдек буюқ мутафаккир бобомиз номи билан аталувчи шаҳар ва вилоятни обод этиш, одамларнинг оғирини энгил қилиш, юртдошларимизга барча соҳада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар мустақиллигимиз шарофати туфайли эканини алоҳида таъкидлади. Шу кунини мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Бухорога келди.

Давлатимиз раҳбари тубдан таъмирланган ва бутунлай янгича қиёфа касб этган шаҳар Марказий истироҳат боғини кўздан кечирди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди. Мазкур боғ, жумладан жорий йил 9 май - Хотира ва қадрлаш кунини арафасида барпо этилган Хотира майдони ён-атрофдаги тарихий обидалар билан уйғунлашиб, ахлит бир мажмуага айланганини таъкидлади.

Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Бухорода ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, хусусан, янги тиббиёт муассасалари барпо этилмоқда. Президентимиз Бухоро шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган диагностика маркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бундай замонавий тиббиёт маканлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди.

Ёрқул УМАР,  
Воҳид ЛУҚМОН,  
Эркин ЁДГОР,  
ЎЗА махсус мухбирлари.



● Бухоро вилоят марказида «Ўзбек либоси: анъана ва замонавийлик» мавзусида республика фестивали бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда мамлакатимиз олий ўқув юрталари талабаларининг «Истеъодларни излаймиз» ашула ва ракс кўрик-танловини якунланди.

● Тошкентдаги Фафур Фулом уй-музейида 18 май - Халқаро музейлар кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Андижон вилояти шаҳар ва туманларида «Куч - бирлик ва жипсликда» дўстлик фестиваллари бўлиб ўтмоқда. Бўз тумани маданият саройида ҳам шундай тадбирлардан бири ўтказилди.

● Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Тазлим-2006» мавзусида биринчи халқаро кўргазма очилди.

● Республика давлат болалар кутубхонасида Тошкент шаҳар ОИТС маркази билан ҳамкорликда «XXI аср вабоси» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

● Нукусда «Хомийлар ва шифокорлар йили» ҳамда 11 июн - Халқаро болаларнинг химоя қилиш кунини муносабати билан Қорақалпоғистон кўзи оқизлар жамияти томонидан ноғирон болалар ўртасида спортнинг шахмат-шашка турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

● Польшанинг Познан шаҳридаги Мальта қўлида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг дастлабки босқичида иштирок этган ҳамюртларимиз иккита медалга сазовор бўлди.

● Шу кунларда Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон нефт ва газ - 2006» (OGU-2006) халқаро кўргазмаси давом этмоқда.

● Пойтахтимизда Малайзиянинг «Tway texco sdn bhd» компанияси билан ҳамкорликда янги «Uz-Tway texco» қўша корхонаси ташкил этилди.

● «Raddison SAS» меҳмонхонасида бўлиб ўтган конференцияда Силга қарши кураш миллий дастури ижроси доирасида ташхис қўйиш, мониторинг, ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик тизимларининг долзарб муаммолари муҳокама этилди.

● Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбати «Биз ўз куч ва имкониятимизга ишонамиз!» деб номланди.

# Ижрода сусткашлик бўлмасин

Вақт деганлари жуда тезкор бўлади. Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариде чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг эълон қилинганига ҳам, ман, икки ой бўлди. Қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг даромадини кўпайтириш кўзда тутилган давлат аҳамиятга молик бу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш вилоят ва туман раҳбарлари, мутасаддилар зиммасига катта масъулият юклади.

тарқатиш ишларини 1 июлга қадар тугаллаш чора-тадбирларини кўришлари керак. Шунингдек, қорамол боқиш билан банд бўлган аҳолига меҳнат дафтарчалари очилиши, жамғарма ва тижорат банклари томонидан кредит ресурслари ажратиши 1 сентябргача якунлаши зарур.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга хомийлик йўли билан соғин сигирлар тарқатиш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлариде қорамол боқиш билан банд бўлган жисмоний шахсларга меҳнат дастурчалари очилиш, қорамол сотиб олиш учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига микрокредитлар ажратиши, омихта ем ҳажмларини кўпайтириш ва уларни сотиш учун махсус шохобчалар ташкил этиш, зотли қорамолларни шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига ҳар бир туманда аҳолига қулай бўлган жойларда аукционлар орқали сотилиши ташкил этиш, қишлоқларда қорамолларни пунктларини кўпайтириш ва хизмат қўламини кенгайтириш вазифаси қўйилган ушбу қарорни ҳаётга тўғри ва оқилона татбиқ этиш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлари тузилган эди.

Хўш, бугунги кунда бу ишчи гуруҳлари фаолияти натижаси қандай бўлган? Умуман, қарор ижросини таъминлаш, қўйилган вазифаларни амалга ошириш қандай бўлган?

Олинган маълумотларга қараганда, эҳтиёманд кўп болали ва кам таъминланган оилаларга бепул қорамол тарқатиш ишлари барча жойларда ҳам қўнгилдагидек борапти, деб бўлмайди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бепул берилиши лозим бўлган 1710 бош қорамолдан атиги 400 га яқини тарқатилган, холос. Микрокредитлар ажратиши бориси ҳам талаб даражасида эмас. Орадан анчайин вақт ўтганига қарамай, шахсий ёрдамчи хўжалик соҳибдорлардан 523 тасигина меҳнат дафтарчаси очилган. 17 та ўрнига 12 та зооветеринария пунктлари ташкил этилиб, уларни жиҳозлаш учун маблағ ажратиш эътибордан четда қолган.

Андижон вилоятида эса кам таъминланган оилаларга йирик шохли қорамолларни олиш учун жамғармадан 1,1 миллиард сўм микрокредитлар ажратилиши режалаштирилган эса-да, ҳозирги кунгача фақат жамғармадан 569 миллион сўм ажратилган, холос. 2576 бош ўрнига, бор-йўғи 243 бош сигир тарқатилган. Бу муҳим иш вилоятнинг кўпгина туманларида сўст борапти. Вилоятда мавжуд зооветеринария пунктларининг 22 таси

Ўз биносига эга эмас. Қашқадарё вилоятида кам таъминланган оилаларга жамғарма томонидан 400 миллион сўм ва тижорат банклари томонидан 2,2 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлса-да, бугунги кунгача бу борада ҳаракат сўст. Фуқароларга меҳнат дафтарчалари очилиши ишлари ҳам яхши эмас. Бирорта ҳам аукцион очилмаган ва четдан мол келтирилмаган.

Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятларида микрокредитлар ажратиш, четдан зотдор қорамоллар олиб келиши, аукционлар ташкил этиш, аҳоли ва фермер хўжаликларига зооветеринария хизмати кўрсатиш, чорвардор хонадон соҳибдорига меҳнат дафтарчалари очилиши ишларини ташкил этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Қарор ижроси билан кучли. Мутасадди раҳбарлар, ишчи гуруҳлари ўз фаолиятларини жонлантиришлари, уларнинг «Хомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурига мувофиқ эҳтиёманд, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга 21645 бош қорамолни бепул

ЎЗА мухбиримиз



Яқинда Шеробод тумани марказида 315 ўринли, замонавий мактаб биноси қўриб фойдаланишга топширилди. - Мактабимизда барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, - дейди илм даргоҳи ўқитувчиси Садоқат Абдилаҳатова. - Кутубхона, спорт майдончаси, компьютер хонаси ўқувчиларимиз ихтиёрида. СУРАТДА: С.Абдилаҳатова шогирди билан.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## Пиллага харидор нақд

Пилла тиллага тенг бўлади, дейишяпти самарқандлик пиллачилар. Негаки, пиллага харидор нақд. Самарқанд вилоятининг ўзида ипак тола билан ишловчи «Сингапур», «Хужум», «Кумуш тола» каби корхоналар оёққа туриб, хомашёга кўз тикиб турибди.

Бир кило пиллага 900 сўм, режадан ортиқ, ҳар килоси учун эса 1100 сўм тўланади, шунингдек, ипак кўрти тарқатиш даврида ҳар кўти уруғ учун олдиндан 15000 гани пиллачиларни

Ўтган йили вилоят 581 миллион сўмлик гани бўлса, 2006 йил бу миқдор сезиларли даражада ортади. Чунки бултур вилоят бўйича 1500 тонна ипак тола сотилган бўлса, бу йил 2250 тонна, яъни 700 тонна кўп махсулот сотиш мўлжалланмоқда.

Энг муҳими, пилла энди аввалгидек омборларда харидор кўтиб қолмайди. Қайта ишлаш корхоналарида атлас-шойи каби ял-ял ёниб, кўзни қувонтирадиган либосларга айланади.

Каромат ЯКУБОВА,  
Самарқанд вилояти «Пилла» бирлашмаси  
акциядорлик жамияти мутахассиси.



(Давоми 2-бетда)

## Жараён

Мамлакатимизда йилдан-йилга ўз-ўзини бошқариш органларининг мавқеи, нуфузи ошиб борапти. Бунини айни пайтда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловидеги аҳолининг сиёсий фаолигидан ҳам англаш мумкин.


Негаки, бугун фуқаролар йиғинига ким раис бўлади,

## Оқсоқол нега сайланмади?

ким оқсоқол бўлиб сайланишига ҳеч ким бефарқ, лоқайд эмас. Бунинг натижасида танлаш, сайлаш ймконияти, энг обрўли, етакчилик, ташкилотчилик қобилиятига эга, шу маҳалла, қишлоқ учун хизмат қиладиган, юрт тинчлигини уйлайдиган инсонлар маҳалла оқсоқоллигига мўъносиб кўрилмади.

(Давоми 2-бетда)

## «Маржон»нинг навбатдаги бекати



3

## Мерос

Олис даврлардан ҳикоя қилувчи музейлар мозийнинг ойнаси сифатида қадрли. Биз бу ойнага боқиб ўз ўтмишимиз, қадим аجدодларимиз ҳаёти, миллатимиз маънавиятининг жозибасидан баҳраманд бўламиз.

Музейлар «тирик тарих». Уларнинг бадий китоб, савияси чуқур кетган фильмлар янглиг аҳамияти чексиз. Қан-

## Мозий ойнаси

чалаб урушлар, қанчалаб қиргинбаротлар, улкан кашфиётлар - бари-бари, умуман олганда, инсоният қолдирган ёвузлигу згулигу ана шу музейлар орқали ҳам батафсиллик касб этади.

(Давоми 4-бетда)

## Аскар уйга қайтди



2



“Энг осон йўли...”

Қишлоғимиздаги Болта ака гапга чечан, ҳаммани қулдириб юрадиган киши. Гап келганда, отасини аямийдай деганларидек, у баъзан жуда қалтис ҳазил қилиб ҳам юбораверади. Гапирган гапингизни албатта тескарисини айтади.

Бир кун Болта ака болаларига нақ бир тэлежка келадиган якан учини (пирини) қирқиб чиқисини буюрибди. Болталар ҳали ёш, шунча яқани битта-биттадан пирини олиб чиқиб қийин кўриниб, отасидан сўрашибди:
- Бунни осонроқ қилиб қандай тазаласа бўлади?
- Пир дегани жуда тез ёнади, биттасининг учидан шундоқ экасан, бир пасда топ-тоза бўлади-қўяди, - деди бу ишга жўнабди.

Болалар отасининг гапини чин билиб яканга ўт қўйиб юборишибди...
Хуллас, отаси келгунча кўриб ўтиришган болаларга Болта ака яна бамайлихотир:
- Ана энди топ-тоза бўлди. Лекин мен сenga биттасини ёқ дегандим-ку, сен ҳаммасини ёқиб қўйибсан. Ҳечқиси йўқ, ўроқларни тайёрланглар, кетган жойидан ўриб олиб келасизлар, - дермиш.

\* Якан - қамишга ўшаб кетадиган, учи пирлик, сувда ўсадиган ўсимлик.

“Умуртқа” ли маслаҳат...

Болта ака далада ишларди. Қишки сўғориш пайтлари эди. Экин ерини сўғоритган пудратчи “тўлғунича қараб тур, кейин мени чақирсан”, деб ёшироқ ўғлини дала бошига қўйиб кетди.

Ҳайратли қўзиган ўғил “кел, шунинг ўзим битириб кета қолай”, деб ўйлади. У қўшини далада ишлаётган Болта акани кўриб, у билан сўрашибди-да, деди:

- Бунни қандай қилиб бойласам маҳкам бўларкин, мана тўлиб қолди. Мен кетгач, сув йиқиб қўямасин, дейман-да. Телкилаб-телкилаб тўпроқ ташласам турармикан?

Болта ака ўйлагандай салмоқ билан “маслаҳат” бера бошлади:

- Телкилаганнинг яхшику-я, лекин ора-ора “умуртқа” ҳам керак-да.

- “Умуртқа”си нима? - сўради сувчи бола.
- Мана, сўягинг бўлмаса сен ўзингни ушлаб тура оласанми? Шунга ўшаб тўпроқ орасига манави калладай-калладай келадиган мулардан ташлаб-ташлаб қўй. Лекин яхшилаб телкила, пишиқ бўлсин.

Бундай ишларда ўзидан катталарнинг айтганини қилишга одатланган ўғил сув бандини “умуртқа” қўшиб бойлади-да, йўл-йўлақай бир жўрасини кўриб, кейин уйга қайтди. Отаси учун яна ишончлироқ бўлсин, деб Болта акадан маслаҳат сўраб, ишни “пўхта” қилганини айтди. Болтадан қандай “маслаҳат” чиқиси мумкинлигини билган отаси “пўхта”лик сирини сўраб ҳам ўтирмади, тутақиб кетганча далага чопди.

Бу пайтда Болта ака ўйда исиниб, чой ичиб ўтирар, “Палончининг даласида сув “умуртқа”сига сўяниб турибди, бир пасгина суянсин-да”, деб пикиллаб қулиб қўйди.

Отаси этиб келганда далада сув яримлаб қолган, катта ариқ юзида “пишиқ” банднинг “умуртқа”лари сўзиб юрарди...

“Ўзини қўйиб юбор”

Болта ака бир кун катта бедазор ёнидан ўтиб кетибди. Шунда сизир етаклаб келатган бир болақай ундан сўраб қолди:

- Сизиримнинг қорни шиммас, уйга олиб боролмайман, лекин бу сира сув ичмапман-да. Нима қилсам экан?

Болта акани яна бир хангома туртгандай бўлди:
- Мана, манави бедадан супрадай жойини еса бас, бир ариқ суви кўрдим деммай сирами. Ана, ўзини қўйиб юбор. Ўзинг у ёқ-бу ёққа қараб турасан. Қўрқма, ҳеч қим йўқ. Лекин кейин тезда уйингга қайда, бўлмаса қорни қайтиб кетади.

Болақай қувонганича ярим қаричча келадиган бедада сизирни бироқ ўтлатиб, сувдан тўйдирди-ю, уйга қайтди. Бирон соат ўтиб, Болта ака халиги болақайнинг уйи яқиндан қулимсирганича кўриниб бермасдан ўтиб борар, ишиб кетганидан оёғи осмонни тирайтган сизирга қандайдир узун тақни қавшатиб, боланинг онаси:

- Ха, маслаҳатингга ўзинг буюқур, Болта! Терс гапирмансанг, ёрилсан-а?! - деб бақирди.

“Кўрқиб кетдинг-а?..”

Қуромбой деган бир соддадил киши бўларди, доим эшакаравада юрарди. Меҳнатдан қочмас, ҳар ишни астойдил бажарар, гирромлики билмасди. У ваъда қилган бир кишининг ҳўқизини боқиб беришга ваъда қилди ва жониворга ўз молидай қарашга тушди.

Хуллас, ҳўқизни бозорга элтар кун ҳам келди. Мол эгаси ҳўқиздан хайқар, ювотишга бўлса ҳам ёнига йўламас, фақат Қуромбой акагина уни ечиб-боғларди.

- Қўрқманг, жуда ювоти, менга тегмайди, - деди Қуромбой ака ҳўқизнинг бўйинини силаб қўярган.

- Бўпти, бозор унча узок эмас, икки чақиримча йўл. Бунинг ўзинг эшакаравагининг орқасига боғлаб, олиб бора қолинг. Мен бозорда кутиб тураман, - деди ҳўқизнинг эгаси.
- Фақат мен кетганидан кейин ечинг, ҳўқизинг қолмасин.

У кетгач, Қуромбой ака айрилгандай ҳўқизни эшакарава-сининг изига боғлади, ҳўқиз ҳам жим эргашгандай бўлди. Қуромбой аканинг ўзи эшакаравага минди-ю, секин ҳайдай бошлади. Катта йўлга чиқилганда ҳамки, бехосдан эшак изини узмай ханграшга тушди. Унинг овози ҳўқизнинг гашига тегди-ми, безовталана бошлади ва таққа туриб қолди. Лекин ханграб аравадан тортаётган эшак уни юришга унмарди. Жазаваси тутган ҳўқиз ўқирганча чомқочиб бўлди. Или аравага боғлангани учун эшакарава у билан бир қўзгалди. Ҳўқиз эшакаравадан кутулмай кўч билан урғиниб айланар, Қуромбой ака ҳам қўзлари ола-қўла бўлиб эшакарава билан бирга ғир-ғир айланарди... Ахирини, жон ҳолатда белидан пичоғини олиб бир амалдаб арқонни қасиб юборди...

Одамлар тўпланишган, Қуромбой ака бир ҳолга тушган эшганини шатаптилаб:
- Қўрқиб кетдинг-а?... - дерди.

Дилором ҚУЗИЕВА

Бугун ерлар, мавжуд мулклар фермерлар қўлига ўтмоқда. Аммо, шўро даврининг раисларидан айримлари “отдан тушса ҳам эгардан тушмайди”лар хилдан бўлапти-да. Масалан, Паст Даргом туманидаги собиқ Мирза Дангалов номли ширкат ҳўжалиги раиси Шодиёр Сориёв айнан шундайлардан бири экан.

У “Этиб қолгунча, отиб қол”, қабилида иш тутди. Яъни, ҳеч тап тортмай ҳўжаликнинг 1-бригадаси ҳудудидидаги 0,50 гектарлик тут плантациясидан 15 сотихини шу ҳўқилоғда яшовчи Исмоил Қўноновга уй-жой қуриш учун ажратиб берди. Бу ишни амалий бажаришда эса бригада бошлиғи Бекзод Тўхтаёв “жонбоз”лик кўрсатди.

“Катталарнинг тилини топсанг, ошигинг олчи бўлади”. Шундай ўйда юрган Исмоил Қўнонов эса “Темирни қизига қўйман”, дедию бу майдондаги тутларни таг-туғи билан қўпроқ ташлади, ўрнига ўз манфаати учун мажбурий экди. Унинг бу ношароҳликларча қилаётган ишдан ранжиб, “Қўқариб турган тути нега бузаяпсан”, дея сўраганларга “Ишларинг бўлмасин, бу ерни мен фалон пулга сотиб олдим. Барча ҳўжатларни тўғрилаб қўйганман”, деди. У ажратилган ернинг бир четидан қичирок уй ва ҳожатхона ҳам қуриб олди.

Кейинчалик туман прокуратураси шу ҳўжаликда “Ер тўғрисида”ги қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказди. Натихада, амалдаги қонунларни лисанд қилмай амалга оширилган ишлар сирини очилди, яъни нуфузли ҳўқуқий идора вакиллари тут кесилиши оқибатида ҳўжа-ликка 266800 сўм микдорда зарар етказилганини ва ер ҳеч қандай ҳўжатсиз, ўзбошимчилик билан эгаллаб олинганини аниқлади. Оқибатда раису бригадир ва, айниқса, Исмоил Қўноновнинг “патагига қурт тушиб қолди”. Дастлаб прокуратура қонунбузарлардан ўз ихтиёрлари билан аниқланган зарарни қўлаб, ерни ҳўжаликка қайтаришни сўради. Мол аччиғи - жон аччиғи, деганлари рости-рақиб. Бу ишни И.Қўнонов пай-салга солиб юрди. Негаки, турғонни текислаш иморат қилишга унинг озмунча пули кетмаган дейсизми? Энди ҳам ердан, ҳам каттагина пулдан айрилдиш у учун осон эмасди-да. Шундан кейин прокуратура мазкур ер майдонини ҳўжалик ихтиёрига олиб бериш ва ўзбошимчилик билан қуриб олган иморатларни бу-

Шимчалик билан эгаллаб олинганини аниқлади. Оқибатда раису бригадир ва, айниқса, Исмоил Қўноновнинг “патагига қурт тушиб қолди”. Дастлаб прокуратура қонунбузарлардан ўз ихтиёрлари билан аниқланган зарарни қўлаб, ерни ҳўжаликка қайтаришни сўради. Мол аччиғи - жон аччиғи, деганлари рости-рақиб. Бу ишни И.Қўнонов пай-салга солиб юрди. Негаки, турғонни текислаш иморат қилишга унинг озмунча пули кетмаган дейсизми? Энди ҳам ердан, ҳам каттагина пулдан айрилдиш у учун осон эмасди-да. Шундан кейин прокуратура мазкур ер майдонини ҳўжалик ихтиёрига олиб бериш ва ўзбошимчилик билан қуриб олган иморатларни бу-

Самат АЛИБЕКОВ, фуқаролик ишлари бўйича Паст Даргом тумани суди раиси.

Оқсоқол нега сайланмади?

(Боши 1-бетда)
- Бобўт тумани ҳудудидидаги 13 та қишлоқ фуқаролар йиғини таркибиде 36 та маҳалла жойлашган, - дейди туман фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссия раиси Абдуғаффор Сатторов. - Шундан 36 та маҳалладан 32 таси маҳалла, 4 таси жамоатчилик тартибиде иш олиб боради. Сайловга пўхта тайёргарлик кўрди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг апрел ойида бўлиб ўтган сессиясида қўмақлашувчи комиссия тасдиқланди. Бу комиссия таркибига нодавлат - нотижорат ташкилотларнинг вакиллари, туманининг обрўли инсонлари киритилди. Жойлардаги ишчи гуруҳлар эса оқсоқолликка номзодларни ўрганиб таклиф киритдилар. Туманда ҳисобот сайлов йиғинида 2 майдан бошланган. Шу кунгача 3 та қишлоқ фуқаролар йиғинида, 14 маҳаллада ҳисобот сайловлари бўлиб ўтди. “Тинчлик”, “Лайлакқўл” қишлоқ фуқаролар йиғинларида аввалги раис сайланган бўлса, “Фаллакор” қишлоқ фуқаролари йиғинида янги рахбар сайланди. Умуман олганда, 14 маҳалладан 5 тасига янги раис сайланди. Масалан, “Мингчинор” қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига учта номзод - Абдусалом Эргашев - аввалги раис, Суннат Собиров - нафақахўр, Аъзам Соқиев - ҚФЙ котиби номзоди қўйилган эди. Номзодлар дастури эшитилиб, муҳокамадан сўнг кўпчилик овоз олган Суннат Собиров йиғин раиси этиб сайланди.

Қисқа қилиб айтганда, ҳисобот сайловлари фаоллик билан демократик руҳда ўтказилмоқда. Демак, бу жараён етакчиликлари муносиб номзодларни танлашга ҳизмат қилиши шубҳасиз.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

“Вестел” ичидаги топилма

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан “Келес” темир йўл бекатида “Москва-Тошкент” йўналишидаги йўловчи поезда божхона назоратидан ўтказилганида, яна бир қонунбузарлик ҳолати фош этилди.

Республикамиз фуқароси М.Атахоновнинг ўзи билан олиб келатган “Вестел” номли телевизор божхона маскани ходимлари томонидан шубҳа остига олинди. Тек-синиб, унинг ички қисмида оқ-сарик рангли ўткир ҳидли модда борлиги аниқланди.

Экспертиза ҳулосасига кўра, топилган модда таркибиде опий, морфин ва кодин гивёхандлик воситалари мавжудлиги ва оғирлиги 355,81 грамми ташкил этиши аниқланди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми “А” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Н.САЛОМОВ

Қимматга тушган хато

Амударё туманидаги барча ширкат ҳўжаликлар 2003 йилда тугатилиб, улар негизда 609 та фермер ҳўжаликлари ташкил этилган эди. Улардан 602 таси пахтачилик соҳасига ихтисослашган. Янги ҳўжаликларга сўвбис хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйиш мақсадиде 17 та муқобил МТП, 15 та СФУ, 9 та минибанк, 17 та нефть маҳсулотлари сотиш ва шунча маъданли ўғит билан таъминлаш шохобчалари ташкил этилди.

Бундай ўзгаришлар қисқа муддатда ўз натижасини кўрсатиб, фермерлик шарофати билан сурункасига қароқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича шартномавий режаларини бажармай келатган туман 2004 йилда илғорлар қаторидан ўрин олди. Айниқса, 2005 йил гўят самарали бўлиб, шартномада белгиланганидан 3180 - 162,8 тонна пилла, 3180 тонна дон етиштирилди. Пахта сотиш бўйича шартномавий йиллик режа 114,6 фоиз бажарилди.

Қўлга киритилган ютуқлар янада улкан, қувонарли бўлиши мумкин эди. Бирок қандайдир сабаблар, эҳтимол, ерга эғалик қилиш ҳаваси билан фермерлар сафига “адашиб” кириб қолганлар қаровони анча орқага тортиди. Улардан 26 таси 2004 йили,

янгидан фермер ҳўжаликларини ташкил қилишди. - Бу гал қайта ташкил қилиш комиссияси олдин йўл қўйилган хатони такрорлашмаслик, ер билан тиллаша оладиган, техника ва ишчи кучига эга асл деҳқонларни тинлаш учун барча чора-тадбирларни кўрди, - дейди туман қайта ташкил этиш комиссияси котиби Мадамин Қозоқов. - Натиха яхши бўлди. Ўтган йили қайта ташкил қилинган барча фермер ҳўжаликлари шартномавий режаларини бажаришди. Бу йил янгидан ташкил қилиниб, 1390,5 гектар экин майдонига эга бўлган 17 та фермер ҳўжалиғи чигит экишни туманда биринчилардан бўлиб сифатли тугаллашди. Айни пайтда гўза парварлиши об-тобида ўтказилди.

Аммо асл, фидойий фермерларни танлашда йўл қўйилган хато қимматга тушган бор гал. Ўйлаб қолсан киши. Бу лафзининг устидан чиқмаган мулкдорнинг хатосини ёки унга йўлланма берган танлов комиссиясининг?

А.ИСКАНДАРОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.



Шахрисабз тумани “Гулистон” ширкат ҳўжалиғи ҳудудидидаги устахона ўн йилдирки, енгил машиналарга ҳўрсатиб келмоқда. Мана шу хизматлар туфайли бу ерда меҳнат қилаётган 8 нафар ишчи муқозлар ишончини оқлаб улғурган.

СУРАТЛАРДА: 1. Юсуф Ҳақимов шогирди билан. 2. Уста чилангарлар. Б.АКРАМОВ олган суратлар.

Давлат божхона қўмитаси томонидан гивёханд моддаларнинг гайриқонуний айланishiга қарши чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Вестел” ичидаги топилма

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан “Келес” темир йўл бекатида “Москва-Тошкент” йўналишидаги йўловчи поезда божхона назоратидан ўтказилганида, яна бир қонунбузарлик ҳолати фош этилди.

Республикамиз фуқароси М.Атахоновнинг ўзи билан олиб келатган “Вестел” номли телевизор божхона маскани ходимлари томонидан шубҳа остига олинди. Тек-синиб, унинг ички қисмида оқ-сарик рангли ўткир ҳидли модда борлиги аниқланди.

Экспертиза ҳулосасига кўра, топилган модда таркибиде опий, морфин ва кодин гивёхандлик воситалари мавжудлиги ва оғирлиги 355,81 грамми ташкил этиши аниқланди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми “А” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Н.САЛОМОВ

Қимматга тушган хато

Амударё туманидаги барча ширкат ҳўжаликлар 2003 йилда тугатилиб, улар негизда 609 та фермер ҳўжаликлари ташкил этилган эди. Улардан 602 таси пахтачилик соҳасига ихтисослашган. Янги ҳўжаликларга сўвбис хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйиш мақсадиде 17 та муқобил МТП, 15 та СФУ, 9 та минибанк, 17 та нефть маҳсулотлари сотиш ва шунча маъданли ўғит билан таъминлаш шохобчалари ташкил этилди.

Бундай ўзгаришлар қисқа муддатда ўз натижасини кўрсатиб, фермерлик шарофати билан сурункасига қароқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича шартномавий режаларини бажармай келатган туман 2004 йилда илғорлар қаторидан ўрин олди. Айниқса, 2005 йил гўят самарали бўлиб, шартномада белгиланганидан 3180 - 162,8 тонна пилла, 3180 тонна дон етиштирилди. Пахта сотиш бўйича шартномавий йиллик режа 114,6 фоиз бажарилди.

Қўлга киритилган ютуқлар янада улкан, қувонарли бўлиши мумкин эди. Бирок қандайдир сабаблар, эҳтимол, ерга эғалик қилиш ҳаваси билан фермерлар сафига “адашиб” кириб қолганлар қаровони анча орқага тортиди. Улардан 26 таси 2004 йили,

янгидан фермер ҳўжаликларини ташкил қилишди. - Бу гал қайта ташкил қилиш комиссияси олдин йўл қўйилган хатони такрорлашмаслик, ер билан тиллаша оладиган, техника ва ишчи кучига эга асл деҳқонларни тинлаш учун барча чора-тадбирларни кўрди, - дейди туман қайта ташкил этиш комиссияси котиби Мадамин Қозоқов. - Натиха яхши бўлди. Ўтган йили қайта ташкил қилинган барча фермер ҳўжаликлари шартномавий режаларини бажаришди. Бу йил янгидан ташкил қилиниб, 1390,5 гектар экин майдонига эга бўлган 17 та фермер ҳўжалиғи чигит экишни туманда биринчилардан бўлиб сифатли тугаллашди. Айни пайтда гўза парварлиши об-тобида ўтказилди.

Аммо асл, фидойий фермерларни танлашда йўл қўйилган хато қимматга тушган бор гал. Ўйлаб қолсан киши. Бу лафзининг устидан чиқмаган мулкдорнинг хатосини ёки унга йўлланма берган танлов комиссиясининг?

А.ИСКАНДАРОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.



Низо қандай кўрилади?

Савол: Эшитишимча, хорижлик ҳамкорлар билан ишлаётган корхоналарда пайдо бўлган низоларни давлат судлари билан ташқар ҳакамлик суди орқали ҳам ҳал этиш мумкин экан. Ушбу ҳакамлик судининг фаолияти қандай? Унинг давлат судларидан фарқи ёки афзаллиги борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Зафар РАЗЗОҚОВ, Олмалик шаҳри.

Жавоб: Дарҳақиқат, бундай ишлар АҚШ, Буюк Британия, Япония сингари ривожланган мамлакатларда, шунингдек, Қозғоғистон, Қирғизистон каби қўшни республикаларда ҳакамлик суди, яъни арбитраж судида кўрилади. Бу икки суд ўртасидида энг муҳим тафовут шуки, ҳўжалик суди давлат суд ҳокимиятининг органи бўлиб, иқтисодий соҳада туғилувчи низоларни ҳамда ўзининг ваколат доирасидида бошқа ишларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда кўриб чиқади. Халқаро ҳакамлик суди эса нодавлат институт сифатида фаолият юртади. У икки томоннинг иқтисодий келишмовчиликларини ўқинчи томон - арбитражнинг воситачилиғи орқали ҳал қилади. Бу ўринда ҳакам (арбитр) вазифасини жамоат ташкилотининг арбитраж судига доир муҳокамалар билан шуғулланувчи исталган ходими ёки томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, уларнинг баҳсини ажрим қилувчи воситачи сифатида тайинланган ҳар қандай шахс бажариши мумкин. Агар даъвогар ҳакамлик судига мурожаат этса, муҳокама шу судга тегишли қонун-қоидаларга асосан ўтказилади. Ҳўжалик суди билан арбитраж судининг яна бир фарқи - муайян низо судга қай даражада тааллуқли эканлиги ва суднинг ваколати масаласига тақалади. Арбитраж суди ўзи хоҳлаган шахсни ҳакам (арбитр) қилиб тайинлаши мумкин, давлат судлари эса бу борада масъулият юклатилган, яъни вазифаси ва хизмат лавозими нуқтаи назаридан шу ишни кўриб чиқиш учун ваколат олган шахс-судьядан бошқа ҳеч қим ўртадаги низо иш ҳал қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, ҳакамга низо кўриб чиқишда амалдаги қонун ҳўжатлари эмас, балки томонлар ўртасидида келишувларда белгиланган шартлар бирламчи ҳисобланади. Ҳакамлар низо ҳақида олдиндан хабардор бўлишди. Давлат судлари эса судга мурожаат қилингандан сўнггина, судьялар иш материаллари билан танишишди.

Яна бир жиҳат, арбитраж судларида арбитраж ва муҳокама усулини томонлар ихтиёрий танлаш имконига эга. Шу боис низонинг арбитраж судида кўрилиши давлат судлариға нисбатан тез ва расмийчиликлардан холи эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, халқаро инвестиций низоларни давлат судларида кўриш низолашувчилар учун муайян ноқулайликлар келтириб чиқаради. Миллий қонундан беҳабарлик, расмий таржимон хизматидан фойдалануш зарурати, айрим ҳолларда таржимоннинг сифатсиз чиқиши эҳтимолининг мавжудлиғи, низонинг бир неча суд босқичларида ҳал этилиши туфайли қўзилиб кетиши ва бошқаларни шулар жумласига киритиш мумкин. Ўйлашимизки, мамлакатимизда ҳам бу каби муаммоларни ҳал қилишда арбитраж судлари кенг жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Д. КОБУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғи етакчи маслаҳатчиси. Д. КОБУЛОВА, тадқиқотчи.

Аскар уйга қайтди

Барчага маълум, бугун олиб борилаётган ишхотлар туфайли ҳарбий соҳада ҳам талайгина ижобий ўзгаришлар намойён бўлмоқда. Яъни, айни пайтда ҳарбийлик йигитларимиз орасиде чин маънода шарафли, фахрли ва муқаддас ишга айилган улғурди.

Гапимизга мўддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат давомида қўлга киритиши мумкин бўлган имтиёзу имкониятлари, профессионал тарзда шаклланаётган миллий армиямиз мавқеи юксаклигини мисол қилиб келтириб бўлади. Бир сўз билан айтганда, бугунги армия кеңагисидан кескин фарқ қилиши ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Армия. Бу сўз ҳар қимда турли таассурот, хотира ва ўй уйғотиши бор гал. Лекин, шунини аниқки, бир масалада қарашлар уйғун. Ҳарбий хизмат ёшларни чиниктирадиган ва торлайдиган, унинг ирода ва шахд-шижоатини синайдиган маскан. Бунини шу кўнларда йигитлик бурчини ўтаб қайтаётган ўғлонларимиз ҳам бот-бот таъкидлашди.

“Ҳарбийча ҳаёт тарзи, муҳит менда жуда катта таассурот қолдирди, - дейди яқиндагина хизматини артиллериячилар қисмида механик вазифасида ўтаб қайтган пойтахтлик совик аскар Даврон Файзуев. - Ҳўқуматимиз томонидан ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, мўддатли ҳарбий хизматчиларга берилётган эътибор, гамхўрлик ҳар бир йигитни қувонтириб, унда ҳарбий бўлиш иш-тиёғини уйғотди.

Дарҳақиқат, унинг айтганича бор. Бўлажақ аскар Куролли Қулларимиз сафлариға яқинлари давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида тантанали равишда жўнатилади. Хизматни тугатган эса қадрдон бўлиб қолган ҳарбий қисмидан байрамона тарзда кузатилади, бундай тадбирлар жойлардаги кўпчилик олим маросимлариға, байрамга уланғи кетади. Хизматни мўбайнида тайёргарлик билан турларидан юқори натижаларни кўрсатган, сафдошлариға намуна бўлган посбонлар ўз муваффақиятларидан қалбларида тўла гуруру ва ифтихор, шунингдек, қўлларида тавсиянома билан ҳам қайтишади. Бундай тавсияномалар эса келгусида уларнинг ўқишга киришлари учун йигирма беш фоизлик имтиёз бериши бугун ҳеч қимга сир эмас.

Жамолидин Пулатов тарих фанига жуда қизиқади. Айниқса, буюқ аждодларимиз қолдирган илмий мерос, ўтмишимиз ҳақида гувоҳлик берувчи қўлёзмалар билан боғлиқ ҳар қандай маълумотни эътибордан четда қолдирмайди.

Қорақалпоғистонда сўнгги йилларда катта ҳажмда бўйбўриқлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий усулда қурилган коллеж ва лицейлар воҳа хуснига хусн қўшиб турибди. Қўнғирот сода заводи ва бошқа қурилишларга сарфланаётган миллиардлаб маблағлар яқин келажақда бутун воҳанинг ободлиги, иқтисоди учун катта самара беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ишончли молиявий таянчи ҳисобланган "Пахта Банк"нинг Қорақалпоғистон Бош бошқармаси жамоаси тармоққа банк хизмати кўрсатишни тақомиллаштириш, замонавий усуллари қўллаш учун астойдил жон куйдиришмоқда.

Ҳўжаликларига банк хизмати кўрсатишда, - дейди бошқарма бошлиғи Бердақ Сапаров. - Тизимнинг барқарорлигини таъминлаш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш, замонавий муассасасининг қишлоқ ва овулларда 37 та минибанкларни ишлаб турибди. Барча кичик шохобчалар тадбиркорларга асқотадиган зарур ва керакли алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳаётимизга пластик карточкада хизмат кўрсатиш тезинан тарқалиб боради. Президентимизнинг "Лизинг фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар

Хўжаликларига пластик карточкада хизмат кўрсатиш тезинан тарқалиб боради. Президентимизнинг "Лизинг фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар



Ингушетиядаги хунрезлик

Ингушетия ички ишлар вазири ўринбосари Жаброил Костоевга уюштирилган суиқасд ўрганилимоқда. 17 май кунин Назран шаҳрида вазири ўринбосари қортежи ёнида миналаштирилган авто-мобил ҳаракатга келтирилган эди. Оқибатда Жаброил Костоев, унинг икки нафар тан қўриқчиси ва 4 нафар йўловчи ҳалок бўлганди. Терговнинг дастлабки ҳулосаларига қўра, портлаш террорчи-камикадэ томонидан эмас, балки масофали бошқарув йўли орқали амалга оширилган. Айни дамда қўрувчиликнинг бошида террорчи Али Тазиев тургани гумон қилинмоқда. Али Тазиев 2004 йил ёзида Ингушетияга қуроли ҳужум уюштириш ва Бесландаги мактабда теракт содир этишда айбаниб келинмоқда.

Америка - Мексика девори

АҚШ конгрессининг юқори палатаси Америка - Мексика чегара девори лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Қурилиши режалаштирилган деворнинг узунлиги 600 километр бўлиб, Мексикадан АҚШга кириб келаётган иккунининг муҳожирлардан химоя қилади. Бундан аввалроқ президент Жорж Буш телевидение орқали халққа мурожаатини деярли ноқонуний муҳожирикка қарши курашиш масалаларига бағишлаб, химоя девори қуришни тақлиф этган эди. Хисоб-китобларга қўра, АҚШ ҳудудларига, Мексика томонидан кириб келган ноқонуний муҳожирлар сони 11-12 миллион кишини ташкил этади. Америка-Мексика девори хавфсизлигини таъминлаш учун 6 минг нафар харбий жалб этилиши қўзда тутилган.

Навбатдаги «бекат»

"Маржон" номини олган вайронакор тўфон Хитойнинг жанубига етиб келди. Гуандун ва Фуцзян вилоятидаги 630 минг нафар аҳоли вақтинча эвакуация қилинган. Тўфон шамолнинг тезлиги вақти-вақти билан 12-14 баллга кўтарилиб бормоқда. Айрим хабарларга қўра, Шантоу тумани тўфондан қўпроқ зиён кўрмоқда. Тумanning деярли барча кўчалари сув билан тўлган. Ҳудудларда қўпгина муассасалар вий қўйилган. "Маржон" аввалроқ Филиппиннинг шарқда катта талафотларга сабаб бўлган эди.

Сан-Паулодаги нотинчликлар

Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳрида қуроли гуруҳларнинг полиция маҳкамаларига ҳужум уюштириши давом этмоқда. Бу галги қуроли тўқнашувда 18 нафар жиноятчи ҳалок бўлган. Сан-Паулодаги тартибсизликлар бир hafta аввал 765 нафар "Маржазоннинг биринчи қўмондонлиги" жиноий гуруҳ аъзоларини қаттиқ тартибдаги қамқонхонага қўчириб ўтказишдан сўнг бошланиб кетган эди. Маҳбусларнинг орасида гуруҳ бошлиқларидан бири Маркос Качо ҳам бўлган. 12 май кунини шаҳар қамқонхоналари ва кўчаларида содир бўлган тўполон оқибатида 150 нафар одам ҳалок бўлган эди.

Хавфсизликнинг янги тартиби

Японияга хорижий фуқароларнинг кириб-чиқишида янги тартиблар жорий этилди. Мамлакат парламенти бу борада янги қонунни тасдиқлади. Унга қўра, "Кунчирик мамлакат"га ташриф буюрган чет элликлар аэропорт ёни вокзалдаёқ бармоқ изларини қолдиришилари ва суратга тушишилари лозим бўлади. Бу маълумотлар янги база тизимига жамлаб қўйилади. Ушбу чора-тадбирлардан қўзланган мақсад хавфсизликни юқори даражада таъминлашдир.

Шаҳарни эгаллашмоқчи эди

Афғонистоннинг Филмонд вилоятидаги Моса-Қала шаҳрини "толибон" ҳаракати аъзолари эгаллаб олишга уринишди. Талибончилар кечаси шаҳар маъмурияти ва полиция идорасига ҳужум уюштиришган. Бир соат давом этган жанглар оқибатида 13 нафар полиция ходими ва 100 га яқин жангари ҳалок бўлган. 40 нафар толибончи қўлга олинган. Бу толибончилар тўзуми қўлланган кейинги энг катта ҳужум бўлди, дейди ҳукумат вакили Амир Муҳаммад.

Спортчилар ўғирлаб кетилди

Ироқда мамлакатнинг тазқондо бўйича миллий 15 нафар жамоасининг спортчилари ўғирлаб кетилди. Полиция хабарларига қўра, спортчилар Иорданияда бўлиб ўтган мусобақалардан қайтаётган вақтда номаълум гуруҳлар томонидан гаровга олинган. Уларнинг орасида ёш болалар борлиги айтилимоқда. Тазқондочиларни ўғирлаб кетган жангарилар уларнинг талабларини баён этишган. Уларнинг талабларига қўра, спортчиларнинг озодлиги эвазига юз минг доллар тўлиниши лозим. "Акс ҳолда тазқондочилар спорт ареналарига қайтиб чиқиша олмайди", дейилади жангарилар баёнотида.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

ФЕРМЕР: "Минибанк бизга манзур"

Қафолатлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан барча туман бўлимларида ишчи гуруҳлари тuzилди. Ишонч телефонлари ишлаб турибди. Бундан ташқари, нақд пул маблағларининг келиб тушиши устидан доимий мониторинг ўтказилимоқда. Бошқарма томонидан 2006 йил 1 апрел ҳолатига қўра пахта ҳосили етиштиришга 4507,6 миллион, галла учун эса 53,3 миллион имтиёзли кредитлар ажратилди. Амалдаги йилнинг ўтган биринчи чораги давомида кичик бизнес

хизмат турларни жорий этиш чораларини кўрмоқдамиз. Бердақ Сапаровнинг таъкидлашча, мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Техника воситалари харид қилиш, имтиёзли кредитлар олиш, иш ҳақи учун вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва бошқа жараёнлар банк бўлимлари зиммасига юклатилган.

Айниқса, миқозларга минибанклардаги тезкор хизмат кўрсатиш усули маъқул келмоқда. Биз айрим миқозлар билан суҳбатлашдик. -Мен Амударё туманидаги Амирхон Мангит номли фермер хўжалиги раҳбари бўлман, - дейди унинг таништиради узун бўйли, қорачадан келган истараси иссиқ киши. -Ихтиёрида 94 гектар ер бор. Ўтган мавсумда давлатга 156 тонна пахта топшириб, режани ошириб баҳардим. Минибанкдаги тезкор хизматдан мамнунмиз. Ўтган йили банк кўмагида "Алтай-4А" русумли занжирли трактор сотиб олдим. Бу техника иш жараёнида жудаям асқотмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда айланма маблағлар етишмаслиги ёки замонавий технологиялар харид қилишда молиявий имкониятнинг чекланганлиги муаммоси асосан лизинг амалиётлари орқали ҳал этилади. Шу сабабдан бу жараёнларда молиявий хизматнинг ушбу тури кенг қўлланилмоқда. Республикада ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилётган айни пайтда лизинг хизматида кенг

амалга оширилмоқда. Хусусан, республикамиз ва Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган техника воситалари ва минибанклардаги лизинг асосида берилмоқда. Жумладан, ўтган вақт мобайнида қўллаб хўжалик юритувчи субъектларга миллион-миллион сўмлик ана шундай хизмат кўрсатилди. Бундай хизматдан Тўртқўл, Нукус, Кегайли, Хўжайли, Қўнғирот, Шуманай ва бошқа туманлардаги миқозлар баҳраманд бўлишмоқда. -"Лизинг" тушунчаси бир қатор жараёнларни, жумладан, ускунани харид қилиш, уни ижарага бериш, сўғурталаш ва лизинг тўловларини таъминлашни қамраб олади, - дейди банкнинг кредит тавakkулчилиги бўлими бошлиғи Камолиддин Абдуллаев. -Бу усул турли соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун илгор технологиялар, замонавий техникалар ва бошқа жиҳозларни лизинг асосида сотиб олишда қўл келмоқда.

Қорақалпоқ элидан қайтаётиб беихтиёр ҳаёлимиздан Ўзбекистон халқ шоири Ибрагим Юсуповнинг "Эсар Жайхун шамоллари" сингари дилбар сатрлари кечди. Зеро, шоир аттанидек, бу дийрда шабдалар тинмай эсаверади. Улар оромикон болғардан, қўз илғамас кенгликлардан келади. Улардан нон исини, гиёҳлару гулларнинг бўйини, ҳаёт завқини туюсиз.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



на, "Обод юрт" сингари янги омонат турлари аҳолига манзур бўлмоқда. Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисоб ва рақарлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш

субъектларининг 40 та лойиҳасига 261 миллион сўм кредитлар йўналтириб берилди. -Ҳозирги кунда бошқарма ва туманлардаги 17 та бўлимлар 157 ширкат ҳамда 3474 дан зиёд дехқон ва фермер

Мулкдорларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги сабабли ўтган мавсумда етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми уларнинг ҳиссасига тўри келади. Бугунги кунда ушбу молия

Самарқанд томонларида

Китоб тақдимоти

Самарқанд Давлат университетига Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди" китобининг тақдимотида бағишланган тадбир бўлди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан нашр этилган ушбу китобда Президентимизнинг Талабалар шаҳарчасида ёшлар билан қилган суҳбати, берган маслаҳатлари, уларни баҳарлашда кечктириб бўлмайдиган асосий вазифалар тўғрисида олим, мутахасссларнинг фикр ва мулоҳазалари баён қилинган.

Эътибор

Самарқанд шаҳридаги 64-маҳсус мактаб-интернатда Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Республика "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув сўнггида жамғарма томонидан келтирилган компьютер ва бошқа совғалар болажонларга тақдим этилди.

Она бўлгин бизга, табиат

Самарқанд шаҳрида "Гуллар ва қўшлар байрами" кўрик-танлови бўлди.

Унда вилоят ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ўқувчилари тўрт йўналиш бўйича ўзаро беллашишди.

Жонли гуллар ва қўшлар йўналиши бўйича Жомбой туманидаги 46-мактаб, экологик стендлар йўналишида Тайлоқдаги 14-мактаб, иккитан йўналишида Оқдарёдаги 45-мактаб, бадий қисм йўналиши бўйича Самарқанд шаҳридаги 17-мактаб ўқувчилари биринчи ўринга лойиқ топилди ва улар танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ўткирнинг муваффақияти

Москвада дзюдо бўйича жаҳон суперкубоғи учун турнир бўлиб ўтди. Унда Самарқанд Давлат чет тиллар институти талабаси Ўткир Қурбонов иштирок этиб, бронза медалини қўлга киритди. - Ушбу нуфузли турнирда соғирдор бўлишини ўзи катта гал, - дейди соғирдор. - Бунга тинимсиз меҳнат ва устозларимнинг сазй-ҳарақатлари билан эришдим. Насиб бўлса, кейинги турнирларда албатта жаҳон чемпиони бўламан.

Ақром ХАЙДАРОВ

Мўл ҳосилнинг муқим шарти

Таҷрибаларнинг кўрсатишича, гўза бошқа бир қанча экинлардан фарқли ўлароқ, тупроқ таркибидеги озукани ўсиш жараёнида ўзлаштириб боради. Унинг озук модалларга талаби нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам турличадир. Қизғин, бу талаб ўсиш ва ривожланиш босқичларига қараб вақти-вақти билан ўзгариб туради.

Афсуски, бир қанча хўжаликларда ерларга асосан азот солиниб, бошқа ўғитларнинг аҳамияти тўри баҳоланмайди. Ҳолбуки, гўзанинг фосфор ва, айниқса, калийга бўлган биологик талаби азот эҳтиёжи билан тенг, ҳатто ундан ҳам юқоридир.

Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари ўтказган тадқиқотлар натижасига қўра, агар гўза мезёрида озиклангилас, ҳар бир чанокнинг ўртача оғирлиги 6-7 граммни ташкил этади. Калий тақчил бўлганда эса унинг оғирлиги 4-4,5 граммдан ошмайди.

Калий етишмаган тақдирда экиннинг касалликлари чидамлилиги сусаяди, гўза ўсишдан тўхтади. Шунингдек, гуллаш ва қўсақлаш жараёни бузилади, мева тўғунчалари, гул ва майда қўсақлар тўқилиб кетади, сакланиб қолган ҳосилнинг етилмиш даври ҳар хил бўлади. Бундай аҳвол ўтган йили Сурхон-

Маслаҳат

Маслаҳат

Маслаҳат

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан

ХАЛҚ БАНКИ

Миқозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини тақдим этган ҳолда янги "ДАРОМАД МАНБАИ" омонат турини тақлиф этади.

Омонатга пул маблағлари 6 ой муддатга, йиллик 22 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 100 000 сўм миқдориде Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фоиз даромади ҳисобланиб, омонатчининг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА САҚЛАНГ ВА КўПАЙТИРИНГ!

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

ШИНАЛАРНИ

сонгил машиналар учун, онгил юк ташувчи машиналар учун, онгил юк ташувчи машиналар учун, қишлоқ хўжалиги техникаси учун

аккумуляторларни

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари: Наманган ш., Дўстлик шох кўчаси, 1-А уй. Тел (3692) 24-56-60 Анджион ш., Мирпусти к., 20-уй. Тел: (3742) 24-04-88 Дангара ш., Ташкент к., 74-уй. Тел: (37357) 2-19-06 Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел:(37622) 2-45-85.

Яқсарот туман Тадбиркорлик субъектларини рўйқатга олиш инспекцияси томонидан "AVIA-POLYOT" масъулият чекланган жамиятига берилган гувоҳнома (ОКПО 19745109 СТИР 205175114) йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Частная фирма "SALADA" (Юқори Чирчикского района Ташкентской области) сообщает о реорганизации в Общество с ограниченной ответственностью "SALADA" в связи со сменой формы собственности. Претензии принимаются в течение 15 дней со дня опубликования объявления по тел.: 322-21-68, 175-70-84.

Имтиёзли кредит - молиявий мадад

Кейинги уч-тўрт йилда фермерлар учун имтиёзли кредитлар жорий этилганлиги айни мудао бўлди. Бундай қарз бериш тобора тақомиллаштирилиб, уч фоиз даражасига туширилганлиги мулкдорлар учун катта онгилликлар тугдираяпти. Шу ўринда бир мисол келтириш жоиз. Урта Чирчик туманидаги "Саид овул" фермер хўжалигига 2006 йили пахта ва галла етиштириш ха-

ражатларини қоплаш учун "Галлабанк"нинг Тошкент вилояти минтақавий филиалидан 14,3 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Тадбиркорга ана шундай молиявий мадад берилиши минерал ўғит, уруғлик, техника хизмати учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, ағротехника тадбирларини белгиланган муддатларда бажариш имкониятини яратди. "Галлабанк" томонидан миқозларнинг кўпчилигини

ташкил этувчи фермерларга 2005 йилнинг ўзида қарий 17 миллиард сўм қарз берилиб, унинг асосий қисмини имтиёзли кредит ташкил этганлиги бошқа мулкдорлар ҳам ана шу имкониятдан фойдаланаётганлигидан далolat беради. Республикаимизнинг яна бир йирик молиявий муассасаси - "Пахта Банк" фаолиятига назар ташласак, фермерлар имтиёзли кредитлардан кенг қўламда баҳраманд

бўлаётганликларига ишонч қиламиз. 2005 йили фермерларга 225,6 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилганлиги, улар мақсадли фойдаланиб, ўз вақтида қайтаришганлиги молиявий қўллаб-қувватлашдаги янги тартиб катта самара бераётганлигини кўрсатади. Тошкент Молия институтида ўқишимиз жараёнида профессор-ўқитувчиларимиз томонидан иқтисодий ривожлантириш, хўжалик критичини тақомиллаштириш билан боғлиқ ана шундай тахлилий мисоллар келтирилиши билан ҳамда маълумотиимизни янада оширишга хизмат қилмоқда.

У.ҲОШИМОВА

# Мозий ойнаси

## (Боши 1-бетда)

Хамма нарса етарли. Истасалар кино, видео, концерт, уйингоҳлар, компьютерлар, сайру саёхатлар, қишлоқ жойларда эса тирикчиликнинг ўзига яраша ташвишлари, ўт кара, ер чоп – хуллас, бир ўсмир андармон бўладиган юмушлар етарли. Аммо, тан олиш керак, музейларга бориб томоша қилиш учун вақт етишмайди...

Тилло тақинчоқлар магазини, айниқса, шаҳар жойларда кириб кўрмаган хотин-қизларнинг топиламаса керак. Пули бўлса – бўлмаса кирди. Ёнида мактаб ёшига етмаган боласини ҳам уйда ёлғиз қолмасин, деб эргаштириб олади. Музей ёки театрга киришимаса киришмайдию

ҳозирги болаларимиз компьютер барларига боши билан шўнгиб кетади. Ёши каттароқ болаларимиз эса баъзи жамшид авжга чиққан жойларга югуришади.

Ўзимиз-чи, ўзимиз? Ўзимиз – биз катталар ҳам улардан қолишмаймиз. Дам олиш кунлари тўрт-беш улфат бўлиб, чойхонада чордона кураемиз. Аммо шанба-яшанбада, умуман, байрам ёки таътил кунлари бола-бақрамизни эргаштириб музейга бордикми? Ҳа, улманг, бу саволдан айримларимизнинг энсамизи қотеди.

Ҳеч ўйлаб кўрганмизми, нега дунёдан йилгига минглаб одамлар юртимиздаги тарихий обидалар, музейларни кўришга охирик келишади? Қачон қараманг, Урганч, Са-

марқанд, Бухоро аэропортлари хорихий сайёҳларни қаршилаётган бўлади. Юртимиздаги бу кўхна ва навқирон шаҳарлар очик осмон остидаги музейлар-ку... Ҳар бир минора, тарихнинг суронли йиллари кўчган ҳар бир кўчанинг ўзи тарихий мўъжиза-ку... Кишилар буни кўргани океанортидан, дунёнинг бир бурчагидан учиб келишяпти. Биз эса ёнимиздаги музейни бориб кўришга вақт топпмаймиз. Вақт бор, хафсала йўқ. Айбни вақтга ағдариларимиз уйимизда йигин қилиб, улфатлар билан "гап-гаштак" уюштиришга кетадиган ёки чойхонадаги баъзига мўлжаллаб яшириб кўйган пулларимизга бемалол 300 чақирим чиқадиган Самар-

қандаг икки марта бориб келсак бўлади. Бу гўзал маскандаги осмонўпар миноралар, улугларимиз абадий макон толган зиёратгоҳлар оламжаҳон маънавий завоқ берди-ку. Бухоро, Хивани айтмайсизми. Биз кўп гапиранимиз, ўтмишни билиш, ундан фахрланиш орқали келажакка бўлган муносабатимиз шаклланади, деб.

Яшириб нима қилдик, бизда музейлар, тарихий обидалардан баҳра олиш, уларга интилиш умумқайфиятга айланмаган. Айниқса, ҳозирги замонда бу ҳолга яққол сезилиб қолган. Халқнинг адабиёти, санъати, маданияти, илмий салоҳияти, хуллас, миллатнинг абадийликка дахлдор маънавий мулки жо бўлган маскандан олислашиш, ал-

батта, яхшилик аломати эмас.

Жаҳоннинг йирик музейлари – Лондондаги Британия музейи, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж, АҚШдаги Метрополитен музейи билан бўйлашадиган, улардан қолишмайдиган даражадаги маънавий мулкка эга бўлган музейларимиз бор. Истиқлол туғайли бундай мўътабар масканларимиз тамоман ангина мазмун-моҳият касб этди. Кескин ривожланди. Улуғ Шарқнинг буёқ алломаларига бешик бўлган юртимиздаги бундай масканларни кўриш, маънавий озуқа олиш миллият салоҳиятининг юксалишига хизмат қилади. Жумладан, Амир Темур музейи, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат музейи, Ўзбекистон табиат музейи, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тарихи музейи ва вилоятларимиздаги бир қанча шу каби гўшалар чин маънодаги хазина-ку. Бундан ташқари, машҳур адиб ва шоирларимиз танкиди инсонлар номи билан боғлиқ уй, кўпгина худудларда ўлкашунослик музейлари бор.

Тарих билан юзма-юз келиш келажакни ёрқинроқ тасаввур этиш демакдир. Ўз тарихидан тафаккури тиник тортган халқни эса ҳеч бир куч енга олмайд. Муқаддас хойлар одамларга ҳамиша маънавий куч, ақл-идрок баҳш қилади. Музейлар ҳам ҳар қайси давлатда ана шундай муқаддас гўша саналади.

Бизнинг юртимизда оғриниб айтган гапларимиздан кишиларимиз умуман музейга кирмайди, деган хулоса келиб чиқмади, албатта. Бирок оққан дараё каби дунёга доврқ солган халқимизнинг ҳар бир вакили маънавий масканларидан баҳра олса, руҳий юксалиш завқини туйса, деймиз.

Кўчкор НОРҚОБИЛОВ

# Хайр, Осиё чемпионлари лигаси

Ўзбек футболнинг миллионлаб мухлислари қувончи дақиқаларни қанчалар орақиб кутишадиган эди. Лекин... Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларида иштирок этган Тошкентнинг "Пахтакор" ҳамда Муборакнинг "Машъал" жамоалари турнирни муддатидан илгари якунлашди. "Ал-Айн"га қарши тўп сурган Муборакнинг "Машъал" клуби 2:1 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса, "Пахтакор" ўз майдонидан Қувайтнинг "Ал-Қодисия" жамоаси билан дуранг ўйнади (2:2).

Қолбуки, сўнгги тур олдидан "Пахтакор" уйинчилари ва "Машъал"чилар чорак финал йўлнамасини қўлга киритиш учун назарий жиҳатдан яхшигина имкониятга эга эдилар. Аммо, афсуски, ўтказилган ўйин натижалари назария бошқача амалий иш бошқа эканини яна бир қарра исботлади.

Назаримизда, статистик маълумотларнинг энг сўнгги ўрашувда қайд этиладиган натижа билан номуносиб келиши ўзбек футболни учун ачинарли аънава тусини олгандай. Ҳар гал қандайдир мусобақа ёхуд халқаро турнирга ташланганда, футболимиз мутасаддиларию айрим ҳамкасбларимиз назарий жиҳатдан голиб чиқишимизни аниқлигини таъкидлаш, турли-туман статистик маълумотномаларни келтиришдан чарчамайдилар. Аммо яқунда кўпична бунинг аксини кўрамиз: ё терма жамоамиз мундиалга йўл ололмади ёки маҳаллий клубларимиз қай бир сабабу баҳона билан имкониятни бой бериб қўйди. Бошқача айтганда, об-ҳаво, ҳакамларнинг "ноҳилис" қарорлари, майдоннинг тўртбурчак эканлиги бўлгани юмалоқлиги бизга панд бераверадиган, бераверадиди...

Мамлакатимизда футболни ривожлантиришга жуда катта аҳамият берилмоқда, бу борада ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинган. Шуниси қувонарлики, дунё миқёсида ҳеч бир мамлакат раҳбарлиги футболга алоҳида аҳамият қармаган бир чоғда бундан ўн йил муқаддам Юртобшимиз мамлакатимизда футбол тизимини ислоҳ қилиш, малакали кадрларга эътиборни кучайтириш, маҳаллий клубларимизни ёш истеъдодлар билан бойитиш кўзда тутилган фармонга имзо чеккан эди. Жорий ой бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда футболимиздаги камчиликлар яққол кўрсатиб берилган. Чиндан ҳам миллий терма жамоамиз ва клубларимиз қўрсатаётган натижалар ҳамон мақташга аризулик эмас.

Бизнингча, муваффақиятсизликлар замири, энг аввало, миллий чемпионатимиз савияси билан боғлаш лозим. Эътибор беринг-а, ўтган тўққиз тур мобайнида чемпионатимизда яққол даъвогарлик қилиб турган "Пахтакор" ҳамда "Машъал" клублари халқаро миқёсда-



ги баҳсларни бой беришди. Саққизинчи турга қадар ўз дарвозасидан тўп олиб чиқмаган пойтахт жамоаси эса Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи уйинларининг илк турлариданоқ мағлубият аламини тотишга мажбур бўлди. Энг ачинарлиси шундаки, ҳар йил янги мавсум бошланмасдан илгари маҳаллий чемпионатимиз борасида фикр юритиб, ўз-ўзинга "Бу йил ким голиб чиқар экан?" деган савол беришга иккиланасан. Кимнинг голиб чиқиши мавсум аввалдаёқ маълум бўлади қолсади. Бу йил ҳам "Пахтакор" клубининг илк медалларга эгаллик қилиши эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки мазкур жамоа бошқа клубларга қараганда анчайин тажрибали, маҳоратли уйинчилардан ташкил толган. Бирок улар ҳам халқаро майдонларда ишончини оқшатишмайди. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг муваффақиятсизликларини ҳам айнан миллий чемпионатимиз савияси борасида кўтадашларимиздан орқадан қолётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Оқдий клублар ўртасидаги баҳсларда қонқарлик иштирок этолмаётган "Пахтакор" клубининг терма жамоага база сифатида танланганининг ўзиёқ футбол мутасаддиларимизнинг энг катта хатоси, десак янглишмаймиз.

Хуллас, футболимиз ривожини боғлиқ жиддий муаммолар ечимини устида беш қотириш пайти етди, деб ўйлаймиз. Республикаимиз Президентининг қарори борасида муҳим дастуриямал бўлмоғи керак.

Ҳасан ТОШХУЖАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

# "Барселона" — Европада тенгсиз

Париждаги "Стад де Франс" уйингоҳида Европа чемпионлар лигаси 2005-2006 мавсумдаги голиб аниқланди.

Хал қилувчи уйинда Англиянинг "Арсенал" клубига қарши тўп сурган Каталониянинг "Барселона" клуби 1:2 ҳисобида ғалаба қозониб, нуфузли соврин эгаси бўлди.

Гарчи биринчи бўлиб ҳисобни очишга қарамай, Арсен Венгер шоғирдлари

учрашув якунигача икки тўп ўтказиб юборишди. "Арсенал" ўз тарихида биринчи бор чемпионлар лигаси финалига йўл олган бўлса, 1992 йил "Барселона" бу совринга биринчи марта сазовор бўлганди. Финал учрашувда "Барселона"дан Это'О ва Беллеттилар гол муаллифи бўлишган бўлса, Англия жамоасининг ягона голи химоячи Кэмпбелл номига эзилди. Эслатиб ўтамиз, бундан бир hafta олдин УЕФА Кубоги голиб аниқланганди. Ўшанда ҳам инглиз ва испан клублари финалда бир-бирига қарши тўп суриб, учрашув Испаниянинг "Севилья" клубининг "Миддлбро" устидан 4:0 ҳисобиданги ғалабаси билан якунланди.

Фазаилдин АБИЛОВ

# Бебаҳо бойлик

Истиқлол йилларида музейлар фаолиятида янги саҳифалар очилди, десак муболага қилмаймиз. Уларнинг кўпчилиги қайта таъмирланиб, янгидан чиroy очди.

Музейларимизда сақланаётган ҳар бир экспонат халқимиз тарихининг бир гувоҳи, унинг меҳнати ва иходининг ёрқин лавҳаси ҳисобланади. Минглаб нодир буюмлар, бебаҳо моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари олис ўтмишимиз, бугунги ҳаётимиз ва порлоқ келажакимизнинг жонли ҳикоясидир. Халқ тарихий бойликларини кўргазмали ташвиқ қилиш, уларни республикамиз аҳолиси ҳамда бутунжаҳон жамоатчилиги эътиборига хавола этишда бу даргоҳларнинг ўрни беқиёс.

Бу йил биз Халқаро музейлар кунини йигирма тўққизинчи марта нишонламоқдамиз. Бундан 29 йил муқаддам ЮНЕСКО қошидаги музейлар фаолиятини координациялаштириш бўйича Халқаро марказ олий органи бўлган Бош Ассамблея ўзининг XI мажлисида 1977 йилдан бошлаб ҳар йили 18 майни Халқаро музейлар кунини сифатида

нишонлашга қарор қилган эди. Дунё халқлари маданиятларини ўзаро бойитиш ҳамда халқлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ишонч ришталарини мустаҳкамлашда, қўлаверса, дунё тарихини ўрганишда музейлар фаолиятини ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

Музейларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигига кенг йўл очил, таъмирлаш, мутахассислар тайёрлаш ва бошқа йўналишларда тажриба алмашиш бу соҳа тараққиёти учун муҳимдир. Бугунги кунда музей коллекцияларидан тўлган кўргазмаларни вақтли айирбошлаш кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистон музейлари жаҳоннинг турли томонларига ўз ходимларини юбордилар, айни пайтда чет эл мамлакатларининг кўргазмалари бизнинг музейлар ва кўргазма залларида намойиш қилинади.

Халқаро алоқаларни ривожлантиришга ёрдам берувчи туризм дастурларида мамлакат тарихи, ҳаёти, маданияти билан таништириш назарда тутилгани босиб бунда ҳам асосий восита музей экспозициялари ҳисобланади.

Шу билан бирга, бу масканлар илмий тадқиқот маркази ҳамда маданий аъёналарни авлоддан-авлодга етказишда муҳим манба ҳамдир. Музейлар ихтимол институт сифатида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи маърифат маскани, мамлакат, шаҳарларнинг маданий даражасини акс эттиришининг бир кўзгуси бўлиб инсониятга хизмат қилади.

Аюбжон ҚОСИМОВ, Ўзбекистон тарихи музейининг илмий ходими.

## Маданият янгиликлари

### "Дийдор" болалар ҳузурда

Тошкентдаги "Дийдор" ишлар театр-студияси ижодкорлари С.Раҳимов туманидаги 106-сон заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатида ташириф буюриб, жазжи санъат мулкларини ҳаммиша катта қизиқш билан томоша қиладиган "Ҳўжа Насриддиннинг эртаги" спектаклини намойиш эттиди.

М.ТОПОЛОВА

### "XXI аср вабоси"

Республика давлат болалар кутубхонасида "XXI аср вабоси" номли давра сўхбати ўтказилди. Унда иштирок этган зиёвлар, тиббиёт ходимлари, бир гуруҳ мутахассислар ва ишлар ташкилотларининг вакиллари ҳозир бутун дунё халқларини бирдй ўйлантираётган, гоитда хавфли касаллик бўлган ОИТСнинг олдини олиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

А.УСМОНОВ

### Китоблар кўргазмаси

Чирчиқ шаҳридаги марказлашган кўтубхоналар тизимининг 7-сонли зиёнонада "Ватан, сенсан – энг гўзал чаман" мавзусида мустақиллик даври китобларининг кўргазмаси ташкил этилди.

М.ЖАСУРОВ

Тегишли давлат "AVTOTRAK" илмий-ишлаб чиқариш маркази патентларига эга

1 ЗИЛ, ГАЗ, ПАЗ, КАВЗ, УАЗ, "ВОЛГА"... автомобилларига ДИЗЕЛЛАР ўРНАТАДИ.

МТП, АТП, АРЗ... раҳбарлари, мутахассисларини билан билан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз. Улар автомобилларга дизеллар ўрнатилиши ўз жойларда ташкил этишга яқиндан кўмаклашамиз, тегишли технологиялар, асбоб-ускуналар билан келишилган ҳолда таъминлаймиз.

2 Д-243 (МТЗ), Д-65 (ЮМЗ), А-01 ("Алтай"), "Камминз", "Авиа", ЗИЛ-130, ЗИЛ-4331... дизелларига эҳтиёт қисмларини сотади

3 Автомобилларга мослаштирилган Д-243 дизели ёки буюртмага кўра, газда ишлайдиган двигател ўрнатилган КС-2561 (ЗИЛ-130) автокранни сотади.

Манзил: Тошкент ш. Қорасуя-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мулкка: ТЗА – "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21, 49, "Обл. ГАИ" бека. Тел.: 159-48-00. Кечқурун 112-90-43.

Республика акциядорлик-тижорат банки – "Ғаллабанк"

мустақил юртимиз фуқаролари ва меҳмонларига "JOZIBA" деб номланган қисқа муддатли омонат туридан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур омонатга маблағлар жорий йилнинг 24 апрел-24 май кунлари 3 ой муддатга энг камида 200000 сўм миқдоридан қабул қилинади ва йиллик 22,0 фоиз ҳисобидан даромад тўланади. Шу билан бирга доимий равишда амалда бўлган кўйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:

омонат тури	муддати	йиллик фоизи	бошланғич бадал (сўмда)	асосий шартлари
Пластик карточка	муддатсиз	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан	1000	Талаб қилиб олингунча сақланади, фойзалар кунлик ҳисобланиб, ой охирида қаштамазида қилинади, агар омонат қолдини 10000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
Имконият	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугатилгандан сўнг маблағни уй-рўзгор ашёси, енгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мақсадида ишлатилади. Фойзалар фақат савҳатда чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади. Омонат фақат нафақахўрларга очилади.
Саломатлик	11 ой	19,8	10000	
Нафақа-мададдор	1 йил	18,0	10000	
Ishonch	3 ойдан 3 йилгача	18,0-20,4	10000 дан 5000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатта қўйилиши мумкин ва тегишли шкада ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан 3 йилгача	18,6-21,0	5000000 дан 10000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатта қўйилиши мумкин ва тегишли шкада ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан 3 йилгача	19,2-21,6	10000000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатта қўйилиши мумкин ва тегишли шкада ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Меҳрибонлик	18 ешгача	15,6	10000	Меҳрибонлик уш тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва 18 ешга тўлганда берилади.
Kelajak	16 ешгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан	10000	Омонат 16 ешгача сақланиб, фойзалар молия йили якунида тўланади.
Коммунал омонат	3 ой ва ундан юқори	21,6	100000	Аҳолига уй-жой, коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фойзалар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қаролатлаш фонди томонидан қаролатилади. Сизларни ўз миқозларимиз қаторида кўришдан мамнунимиз! Мурожаат учун тел.: 136-26-57, 136-70-60, 132-16-55, 133-71-72. Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий филиал ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!

Ўзбекистон Республикаси иқтимоий фикр жамоатчилик маркази томонидан 2003 йили Мамаданова Нуридда Садықовна номига берилган № 84 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Ангрн шаҳридаги 30-мактаб томонидан 1993 йили Адилова Бувиносис Нуралиевна номига берилган АУ № 291096 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерный гос. ордер № 05-01/3610 от 1993 г. права собственности Тошкент Виктор Иванович на квартиру, считать действительным.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХўЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРААРИ, ТААБИРКОРААР ДИҚҚАТИГА!

**АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!**

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан эиёд автотранспорт - автомобиллар, 1,5-4,5 тонна ик қўтардиган машиналар, 3-7 ўрнидан, 0,8 тонна ик қўтардиган фургоилар, 6-15 ўрнидан микроавтобусларни сотади.

"ГАЗ-31105" русумли автомобиль

Ҳақ тўлаш-исталган усулда!

"ГАЗ-330232-Фермер" автомашинаси, 6 ўрнид, 1,5 тонна юк ҳам қўтарди.

"ГАЗ-3309" русумли 4900 литр сиймли ёнили ташин машинаси

"ГАЗ-3309" русумли 4200 литр сиймли сут ташин машинаси

"Волга" русумли "Тез ёрдам" машинаси

"ГАЗ-3221" русумли 15 ўрнили микроавтобус

"ГАЗ-3307" русумли газ баллонлари ташин машинаси

"ГАЗ-3309" русумли нон ташин машинаси

Буюртмага кўра "Тез ёрдам" машиналари, нон, озиқ-овқат, сановат моллари, газ баллонлари, чиқинди ташин махсус машиналари, автоустоналар тезда етказиб берилади.

Махсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

<p>Бош муҳаррир</p> <p>Ўтқир РАҲМАТ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Саид АҲМАД, Асгай АДИЛОВ, Уктам БАҲРОЕВ, Фаҳриддин КАЛОҲОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД</p>	<p>МУАССИСЛАР:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР:</p> <p>Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87</p>	<p>ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фаргона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-87-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-862-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p> <p>тижорат мақола</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Навбатчи: Ш.САНАЕВ</p> <p>Саҳифаловчилар: Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ</p> <p>Бош мусоаххих: Ҳ.ТОШХУЖАЕВ</p>
---	--	--	--	--	--	---	---

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-иллова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-717, ҳдими 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади - 15193

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5